

ҚИШЛОҚ ХАКИКАТИ

1990 йил 9 февраль

ЖУМА

№ 34 (4.828).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буюн нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1990 йил 7 февраль кунин КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида ҳаракат дастури лойиҳасини ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг шу масала юзасидан докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Пленумда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Маҳмамов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. М. Масалнев, ВЦСПС секретари Г. С. Баштанюк, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Т. Сайкин, «Туркменгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пармаловчи мастери А. Б. Шалиев, Конституцион назорат

комитетининг раиси, СССР Фанлар академияси Урал бўлими фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори С. С. Алексеев сўзга чиқдилар.

Пленумда тузилган Таҳрир комиссияси номидан Г. П. Разумовский сўзга чиқди.

Пленум Таҳрир комиссиясининг таклифларини атрофлича кўриб чиққанидан кейин тушган мулоҳазаларни ва бўлиб ўтган муҳокамани эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида ҳаракат дастури лойиҳасини маъқуллади (матбуотда эълон қилинади) ҳамда шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда Литва Компартияси XX съездининг қарорлари билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Бу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Пленумда Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-М. К. Бразаускас, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг секретари М. М. Буроквичюс, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари В. А. Купцов, Латвия Компартияси Рига шаҳар комитетининг биринчи секретари А. П. Клауцен, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг секретари В. Н. Швед, Пермь шаҳридаги «Ф. Э. Дзержинский номли машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг сазловчиси Н. М. Ершова, КПСС

Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков, Литва Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ю. -В. Ю. Палескис, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг секретари В. -Ю. Ю. Кардавичюс, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигаев сўзга чиқдилар.

Пленум мазкур масала юзасидан қарор қабул қилди, қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида М. С. Горбачев якуновчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 7 февралдаги қарори

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида ҳаракат дастури лойиҳаси Пленум қатнашчиларининг муҳокамаси ва мулоҳазалари ҳисобга олиниб, маъқуллансин.
2. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида ҳаракат дастури лойиҳаси партия ташкилотларида, коммунистлар ва барча меҳнаткашлар ўртасида муфассал муҳокама этиш учун эълон қилинсин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 7 февралдаги қарори

Литва Компартияси XX съездининг қарорлари тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Литва Компартияси XX съезди қабул қилган қарорларини унинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ташкилий-сиёсий алоқани узиш, деб ҳисоблайди.

Пленум бундай ҳатти-ҳаракатларни қоралайди, чунки улар КПССнинг бирлигини бузди ва совет федерациясини янгилаш жараёнини, умуман жамиятга катта зиён етказди.

2. Пленум Литва Компартиясининг (КПСС ҳаракат

дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетини тузган, байналмилалчилик қондаларига содиқ бўлиб қолган, кўп миллатли иттифоқимизнинг барча халқларини жипслаштурувчи КПССни демократиялаш ва янгилаш шароитида революцион ўзгаришларни амалга ошириш учун курашаётган литвалек коммунистларни қўллаб-қувватлайди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ЛКПнинг (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи)

муваққат Марказий Комитети амалий фаолиятида унга зарур бўлган ҳамма ёрдамни беришни ва бунинг учун тегишли моддий ҳамда молиявий шароитларни яратишни топширади.

3. Пленум мустақил Литва Компартиясига кирган литвалек ўртоқларни Литва Компартияси XX съездининг КПСС Программаси ва Устави амал қилишига тааллуқли қарорларини КПСС XXVIII съездидаги тўхтатиб туришга ва шу асосда КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи

Литва Компартияси билан биргаликда КПСС XXVIII съездида делегатлар сайлашга яна бир бор даъват этади.

Пленум Литва коммунистларига мурожаат этиб, КПСС Марказий Комитетининг съездолди ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилишга киришишга, литва халқининг, бутун кўп миллатли давлатимизнинг тақдирини учун, революцион қайта қуришнинг тақдирини учун ўзларининг тарихий масъулиятини англаб олишга қақиради.

КПСС Марказий Комитети Пленумида музокаралар

5 февраль

КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳаси — мамлакат, жумладан, унинг маданияти тақдирини ҳал этиши мумкин бўлган умидбахш ҳужжатдир. «Халқ эътиди» деб айтишни истардим, аммо онгли равишда ҳал этиш мумкин, демоқдам. Чунки бутун кунда партияга таъна қилинаётган асосий нарсаси — бу сўз билан ишнинг деярли анъанавий мос келмаётганлигидир, деди СССР маданият министри Н. Н. Губенко. У лойиҳада халқларнинг маданий-тарихий бойликларига авайлаб муносабатда бўлмаслик қораланишини таъкидлади. Айни вақтда мамлакатда кунда 12 тадан маданий ва тарихий ёдгорлик нобуд бўлмоқда. Маданият ва тарихий ёдгорликларини таъмирлашга ажратилаётган давлат маблағлари 1986 йилдагига нисбатан 5 баравар кўпайтирилган пайтда шундай бўлмоқда. Анъанавий халқ маданияти, халқ оғзаки ижоди ва ҳунармандчилиги илдирилари қуритилди. Миллий тиллар камбағаллашди. Мактабларда санъатга, шаҳарларда меъморчиликка, турмушда эстетик дидга эътибор берилмади. Министрининг фикрича, халқ бундай маҳрумликлари партиянинг маданият соҳасидаги сиёсати билан боғлашга ҳақлидир. Ма-

даниятга етказилган зарар учун ҳар бир коммунист шахсан жавобгарликка, жиний жавобгарликка тортилмас, КПССнинг мулдолари қорозда қолиб кетаверилади.

Ҳаракат дастури лойиҳасида айтилишича, КПСС келажакни қудратли маданият ва илмий-техника таъриқийига асосланган ва унда инсон — тарихнинг ўз олдига қўйган мақсади бўладиган тарзда тавдалантиради. Бу тезис Лениннинг сиёсий васиятига мосдир. Ленин омманинг маданий даражасини оширмай туриб, чинакам халқ ҳокимиятига, иқтисодийни юксалтиришга, социал муаммоларни ҳал этишга эришиб бўлмайди, деб васият қилган эди.

Ленин маданият тўғрисидаги масалани партия ва давлатнинг бутун сиёсати марказига қўйган эди. У ғоят оғир, танг шароитда шундай қилган эди! Миллатнинг маданият соҳасидаги таназзули жамиятнинг ақлий соҳадаги, омма, ҳўжалик раҳбарлари, сиёсатчилар, маданият арбоблари маънавиятидаги талофатларга олиб келади. Маданиятсизлик — мамлакатни инсонпарвар қилиш, иқтисодийни, миллатлараро муносабатларни соғломлаштириш йўлидаги жарликдир.

Нотик ҳаракат дастури лойиҳасида таълим, маориф, маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришга ҳаражатларини кўпайтиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатида ўртага қўйилганлиги ҳамда

маориф ва маданиятни ривожлантириш мақсадидаги жамоат ташаббуслари ва хайриялар қўллаб-қувватланиши билан Олий Советнинг яқинда бўладиган сессиясида қабул қилинадиган қонунлар ўртасидаги зиддиятларга эътиборни қаратди. Айтматов бошлиқ комиссия, Рижов бошлиқ комитет, барча ижодий уюшмалар, Маданият министрлиги хайрия мақсадларига, маданият санъат ва архитектураини пул билан таъминлашга ажратилган маблағлар солиқ солиш йўли билан ундириб олинмаслиги учун Олий Советнинг план-бюджет ва молия комиссияси билан кураш олиб бормоқдалар. Биз икки ойдан бери план ва молия ходимларини ижодий уюшмаларини олинган фойда учун солиқ ва оборот солиғи тўлашдан озод қилиш зарурлигига ишонтиришга уринаямиз. Натижа деярли бўлмапти.

Министр ҳаракат дастури лойиҳасидаги сиёсий маданиятни ривожлантириш ҳуқуқий давлатни қарор топтиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлиши тўғрисидаги асосий фикрни қўллаб-қувватлаб, сиёсий маданият оддий маданиятдан бошланади, маданият тармоқ эмас, унга идоравий, тармоқ нуктаи назаридан ёндашув ҳалокатли эканлигини, ҳамма жойда шундай қилинаётганлигини айтди.

Мудофиа министрлигидан тортиб Енгил саноат министрлигигача ҳар қандай министрликда, ҳар бир ташкилотда, ҳар бир шаҳар ва районда ўз бюджетининг маданият тўғрисидаги мод-

далари бўлмаса, ҳуқуқий давлатни барпо эта оладиган ҳеч қандай сиёсий маданият тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

Шу маънода Иттифок ва иттифокдош республикаларнинг маданиятга оид қонунлари асосларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида гап борди. Фақат қонунгина маданият соҳасидаги савдо-сотиқ, миллатчилик, маъмурий системалардан халос бўлиш имконини беради. Фақат қонунгина пул билан таъминлашнинг бюджетдаги ва бюджетдан ташқари манбааларини белгилаб бериши зарур. Фақат қонунгина ижодга эркинлик, маданиятга имтиёз беради. Мамлакатда ўртача иш ҳақи 240 сўмини, маданият соҳасида эса бундан икки баравар камроқни, масалан, кутубхоначи ва музей ходимининг иш ҳақи 90 сўмини ташкил этган бир пайтда фақат қонунгина социал-театрсизликка барҳам беради.

Айни КПСС шундай қонун ташаббускори бўлиши лозим. Бу жуда катта сиёсий масаладир. КПСС маданият соҳасида бошқа ижтимоий кучларга ён босмаслиги лозим. Шунга қарамай, партия раҳбарларининг нутқларидан шу нарсаси кўриниб турибдики, Марказий Комитетда маданият соҳасидаги сиёсатнинг янги концепцияси бор. Уни ягона ҳужжатга биравлатириш ва ҳужжатни рўёбга чиқариш керак. Таълим-тарбияни инсонпарвар қилиш КПССнинг маданият соҳасидаги сиёсати асос бўлиши даркор. Тарбия гу-длақиданоқ, она сўти би-

лан, болалар ўйинчоқлари билан бошлангани, мактаб ва олий ўқув юртилари программаларини инсонпарварликка бағишланган дарслар билан бойитиш давлатнинг нормал, ҳар томонлама қонун тоған кишини воғда етказишга имкон беради. Бу борада таълим комитетидан бошлаб ижодий уюшмаларгача, жумладан Кинематографчилар давлат комитети, Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитети, Фанлар академиясигача барча кучларни бирлаштириш зарур.

Биз қайта қуриш мисолида ёмон оdatларни тарк этиш қанчалик қийин эканлигини кўриб турибмиз. Шу маънода ҳаракат дастури лойиҳасининг «КПСС маслақдошларнинг ихтиёрий ташкилотлари ва ундан чиқиб ҳеч қандай сиёсий ёки граждандлик оқибатларига сабаб бўлиши мумкин эмас» деган қондаси, менимча, муҳимдир. Бу қонда ўзвонлиқни истисно этади.

Магистинларнинг бўшаб қолган пештахталари, жинотчиликнинг авж олаётганлиги, турмуш даражаси пасаяётганлиги, миллатлараро можаролар кўпгина кишиларнинг партияга муносабатини белгиламоқда, деди Куйбичев шаҳридаги «Прогресс» заводи партия комитетининг секретари В. В. Коленков. Коммунистлар ва партиясизлар у ёки бу қарорлар қабул қилинган чоғда нима учун уларнинг оқибатлари тўғрисида ўйлаб кўрилмади, деган савол бермоқдалар. Ахир мамла-

ката керагидан ҳам кўпроқ юқори мартабали олимлар, турли илмий марказлар ва институтлар бор-ку. Эндилкида шу нарсаси аён бўлиб қолдики, партия дуч келган мураккаб аҳвол — қайта қуришнинг илмий асосланган концепцияси йўқлиги, сиёсий йўлни амалга оширишда партия раҳбарлари изчиллик ва қатъият кўрсатмаётганлиги натижасидир, деб давом этади нотик.

Нима учун йўл қўйилган хато ва нуқсонларга ва ҳато нотиқдаги барбод этишларга партиянинг баҳо берилаётгани, ним шаҳсан жазоланди? Нима учун биз барча аябларни марҳумларга ва хизмат кўрсатиб истефода қилишга юртимиз? Марказий Комитет ва Сиёсий бюронинг ҳозирги кунда соғ-саломат юрган аъзоларида кўпчилигининг бунда қўли йўқми? Айни пайтда Сиёсий бюро ва Марказий Комитетнинг ишда жиддий камчиликларга йўл қўйган ва йўл қўётган аъзолари, область комитетларининг секретарлари ва бошқа партия ходимлари ҳўрмат-эҳтиром билан пенсияга кузатишмоқда. Қайта қуриш йилларида қабул қилинган қарорлар барбод бўлганлиги учун ким жавоб берди?

Нотик мудофиа саноати корхоналарини аҳоли хизматига бурбоб юбориш бошланиб кетганлиги тўғрисида гапириб, жумладан, мудофиа корхоналарига узоқ вақт давомида жуда катта маблағлар сарфланганлигини ва ҳозир улар техника билан таъминланганлиги, кадрлар

оид чоралар кўрмаслик мумкинлиги оддий коммунистларга тушунарли эмасдир. Партия ички демократиясини янада ривожлантириш, бошлангич партия ташкилотларида КПСС аъзоларининг фаоллигини ва масъулиятини ошириш мақсадида партия бошқарувининг кўп босқичлилигини тутатиш — бевосита бошлангич партия ташкилотларига бориб тақалмайдиган бўғинларга барҳам бериш таклиф этилди. Бошлангич партия ташкилотига берилган ваколатлар доирасида у қабул қилган қарорларни олий партия органлари бекор қилмасликлари зарур. Хисобот-сайдлов кампанияси бошлангунга қадар раҳбар органларини сайлашга оид янги қўлланма ишлаб чиқиш ва кучга киритиш мақсадаги мувофиқдир. Марказий Комитет ва бошқа даражалардаги барча секретарлар муқобил асосда, кўрсатилган номзодлар ишлаб турган ташкилотларнинг фикри ҳисобга олинган ҳолда сайланишлари зарур. КПССнинг XXVIII съездида делегатлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби ушбу кампанияда ҳар бир бошлангич ташкилот иштирок этишини таъминлаш ва сайлов иложини борица ошқора, тўғридан-тўғри ҳамда муқобил асосда ўтказилиши керак. Бунда коммунистларнинг сони яхатидан вақиллик нормасидан кўп бўлган катта бошлангич партия ташкилотларига бевосита делегат сайлаш ҳуқуқи берилиши лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

«Давоми. Боши газетанинг 7-феврал соида».

аминманки, мамлакат ҳо-
зирча қўппартиявий систе-
мага ўтишга тайёр эмас. Бу
жамиятдаги ижтимоий кес-
кинликни, ҳокимият учун
курашни жуда қучайтириб
юборган бўлур эди.

мага утишга тайёр эмас. Бу жамиятдаги ижтимоий кескинликни, ҳокимият учун курашни жуда қучайтириб юборган бўлур эди.

Учинчидан, партиявий оммоннинг сайлаб қўйилган органлар ва аппарат устидан устулингни таъминлаш, ҳар бир коммуниста қарорлар қабул қилиш ва уни ижро этишга, партия кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишга фаол таъсир этиш имконияти берилдими лозим. Юқори ва қуйи партия органилари ўзаро мўносабатлари масалаларини қайта кўриб чиқиш даркор. Марказнинг майда-чувида ишларга аравашувидан қатъий холи бўлиш зарур.

ни кенгайтириш тўғрисида Кунун лойҳалари мажмуаси қабул қилинганидан кейин мажрус Советлар ҳужжали бошқаруви вазифаларини ўз зиммаларига олдилар. Ана шундан кейин партия ва унинг органларида жамиятни ривожлантиришнинг стратегик йўлини ишлаб чиқиш ва меҳнаткашларнинг сийсий манфаатларини ҳимоя қилишдан бошқа нима қолади? Бу савол ҳозирча жавобсиз қолмоқда.

Бизга Марказий Комитет ва партия съездининг ўзаро муносабатларини, иккинчи томондан эса Олий Совет ва халқ депутатлари съездининг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турадиган механизм зарур. Аммо нима бўлганда ҳам мажрус жамиятнинг энг муҳим бўлими бўлган Марказий Комитет Бош секретари ва СССР Олий Совети Раиси лавозимларини қўшиб олиб боришни сақлаб қўлиш керак.

субот-сэйлов кампаниясини
сёзддан кейин ўтказиш та-
қифини Пленум аҳлига ет-
казди, бу сўнги тадбир
партия органларининг стру-
ктурасини КПССнинг янги
Уставига мувофиқлаштириш
имконини беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1989 йил 13 сентябр қарори билан тасдиқланган қондага амал қилиш керак.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжатлар тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинган:

лар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий номли ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат муқофотлари комитети. Телефонлар: 45-83-26 ва 45-85-20.

Алишер НАВОИЙ таваллудининг 549 йиллигига

Янги аңгана

НОДИР БАЙТЛАР



Алишер Навоий Абдурахмон Жомий ҳузурда.

М. ЖУРАЕВ чизган расм.

Лисонимиз малик ул-келомим, назмиётимиз соҳибқирони Алишер Навоий сўз мартабасини шунчалар сарбаланд қилдики, унгача ва ундан сўнг ҳам бошқа бирон кимса бу даражага эришолмади:

Мен — уленики, то турк бедоддидир,
Бу тил бирла то назм бунёдидир,
Фалак кўрмади мен кимни нодире,
Низомий кимни назм аро қодире!

Навоийнинг ўзи ҳар бир байт ва мисрада жодирки, уни ҳар гал муносоиб даражада кашф этиб, шарҳлаш даркор. Биз ушбу сатрларда бир неча байтнинг баҳоли қудрат шарҳлашга жазм этдик. Зотан, ўзини тополмаган алоомани бизлар қаёқдан ҳам топардик:

Эл негетб топғай мени,
Мен ўзимни топмасам!

Шундай қилиб, байтлар шарҳига қўяйлик энди:

— Жисм бўстониға шажар

Рух ашжорига самар сўзидир!
Яъни, инсон жисми бир бўстон бўлса, сўз унинг дарактидир, руҳият дараклари меваси ҳам яна шу сўзидир (шажар — дарак, ашжор — дараклар). Демак, сўз бу инсоннинг ўз-лигини етти иккимга намоён қилиб турувчи бир гавҳери олийдир. Ҳақиқатан ҳам бу байтда кўзда тутилган сўз ҳар сафар ақл-идрок, қалбу маънавият бирлигидан юзага келади. Бу жиҳатдан сўзни қадриятда ёлғиз табиатнинг ўзи билан, ундаги гул-чечак, мейс, меҳригё билангина қисламоқ мумкин бўлади.

Яъни, шoirнинг ўзидан эшитайлик:

Майдани инсон гўҳари — сўздурур,
Гулшани одам самари — сўздурур!

Яна:
Кимки, сўз нақдига мубассирдир,
Васфи ичра тили мубассирдир!

Яъни, кимки, сўз маъзини чақиб, моҳиятига етоса, уни (сўзни) таърифлашга тили қисқалик («мубассир» — «қисқа») қилади. Бошқача айтганда, етарли сўз тополмай қолади. Бир ҳисобда, шу билан сўзга ниҳоятда муҳтасар, таъсирчан таъриф ҳам берилгандир. Чунонинчи: «Сўз таърифи шуки, у бетаърифдир».

Тил дарсиклариде «сўзга» 300 таъриф берилган, аммо улэр, ўқувчи-студентлар бир ёқда турсин, ҳатто таъриф берувчиларни ҳам қаноатлантирмайди.

Халқ неки қилса, тергадак бўлмас,

Халқ қилгонини: ёёмон қилдирга, деб бўлмас!
Бу байт ўз моҳияти билан шoir ижтимоий фаолиятидаги

ларзали тўлқинлардан бирини кўз олдимизда гавдалантиради. Чунонинчи, ўз замонада гоҳ у, гоҳ бу ерда ҳунармандлар, деҳқонларнинг эълимлар зулмига қарши ялпи ғазобнок кўз-голлонлари бўлиб турган. Ҳар гал эл балогардонини Навоий таъхо ўзи халқ ҳузурига келиб, унинг талабларини тинглаган. Пировадиде, ҳақиқат қарор топишга эл олдида ваъда берган ҳамда бунинг устидан чиққан. Қандай қилиб дерсиз? Бунинг ҳам шoirнинг ўз сўзи билан ифодаэалики:

«Кўнмадан келганча зулматини ушатиб, мазлум жароҳатига китиқом малҳамин қўйдим».

Мана бу оташнафас байтлар ҳам ўшандай ҳаёт қозонидан қайнаб чиққандир:

Менга қилса юз жафо
Бир қатла фарёд айламан.
Элга қилса бир жафо,
Юз қатла фарёд айларам!

Неча асрлар оша бизга етиб келган бундай мисрлар эндиликда ленинча адолатчилигини қайта тиклашда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ хизмат қилиши мумкин.

Навоий ўз назмиётини орқали бир зарб билан Мовароуннаҳрни эгона ёзма адабий тил қилиб бириштиради. Бунинг унинг ўзи биргина байтда соз ва тугал ифодаэала берган:

Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатини: «яққалам».

Бунда «алам» сўзи «байроқ» маъносидир.

Алишер Навоийнинг покданпок каломини, дурру гавҳардан ало сўзлари тобора юксак парвоз этгавар.

Р. ЖУМАНИЗОВ,
философия фанлари номзоиди.

ОИЛА БАЙРАМИ

Самарқанд районидеги Ленин номи колхозининг «Қизил Аскар» клубида шоду хуррамлик, қўшн-қўйлар янграмоқда. Чунки янгида ташкил қилинган турмуш маданияти дорилфунуни ректор-и Т. Муҳаммадқуллова ва колхоз раисининг турмуш маданияти бўйича ўринбосари М. Дониёрова ташаббуси билан оила байрами ўтказилмоқда.

20 га яқин қаҳрамон она, Афронистондаги жангларда иштирок этган байналмилалчи йигитлар ҳозир бўлиб, янги турмуш дўраэатган 5 нафар келин-қўйнинг никоҳ маросимида қатнашмоқдалар. Уларга самимий маслаҳатлар берилмоқда.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Олим бобо Оқиллов бундай деди:

— 45 йилдан бери мен рус элини Сония билан тинч-фаровон яшаб келаялман. 10

нафар фарзандни ўстириб, вояга етказдик. 5 ўғлимизни уйлантирдик, қизларимизни турмушга узатдик. Салар ҳам худди шундай пире бадавлат бўлишгизни истайман. Бахт-саодат, осийишталик, турмушларинг ширини ўттириш тилаймиз.

Байрам қатнашчиларини район маданият уйи ашула ва рақс ансамбли ҳаваскорлари ёқимли қўй-қўшиқлари билан мамнун эттиди. Айниқса Хусниддин Очиловнинг Афронистон жангчиларига атаб айтган «Армон» қўшиғи кўпчилик томонидан қизғин қутиб олинди.

Шунингдек, оила байрамида район хотин-қизлар кенгаши аъзоси, 30-ўрта мактаб директори Хуришда Субҳона ҳам қатнашиб, бу янги-ча анъанани келгусида давом эттириш истагини билдирди.

Ю. АТОЕВ.

ЎҚИНГ, ҚИЗИК!

ЖАСУР АЕЛ

Сидней аэропортига бир моторли самолёт қўнди. Уни австралиялик 45 яшар Гэбб Кеннард бошқарди. Жасур аэлянинг эзгу ниёти рўёбга чиқди — пўнат қўшда дунё бўйлаб ёлғиз парвоз қилди. 99 кун давом этган саёхат осон кечмади. У одадгони қийинчиликларга дуч келди, мотор бир неча бор бузилди, «Хуго» қўюни қатта мушкулларни келтириб чиқарди. Айин чоғда кўнмаган ҳодисаларга ҳам дучор бўлди: бир кўнн учиб бораётиб, кабинада юрган ипони кўриб қолди.

Аммо яқинларидан вақтинча узоклашиб Гэббига азоб бергани ёён. Олти яшар ўғли ва 17 яшар қизини уч ойдан орттиқ кўрмаганлиги уни роса ўртади.

ОШИҚЛАРГА ЖАРИМА

Мюнхенда полиция 14 яшар икки ўқувчини ушлади. Таниш қизларнинг севиб қолган ўқувчилар ерости яўллар, ёпик вапильонларнинг деворларига

ишқ нэзор қилиб, ҳат ёзганликларини тан олдилар. Бунинг улар ўқийдиган қора рангли фломатер ёрдамиде битишган. Жамоат мулкнинг ифлотангиланликлари учун «ошиқ»лар жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

ТИМСОХ КЎРИНИШИДАГИ МЕҲМОНХОНА

Дарвин шаҳридан (Австралия) уч юз километра жанубий томонда баёбайбат тимсох кўринишида меҳмонхона барпо қилинди. У бутун дунёда машҳур «Тимсох Данди» фильмининг қаҳрамонига бағишланган.

Меҳмонлар бу аойиб мйорат ичига қатта оқиниб турган бу йиртиқ оёзига ўхшаш томондан кирадилар. Иккинчи қаватда янги панкларнинг эълатувици винтил эйналолар орқали кўтарилдилар.

Гарчи меҳмонхонада бораётган 110 та номер бўлса-да, аммо нэҳоятда қимматга тушди, унинг қўрилишига 12 миллион доллар кетди.



ФУТБОЛ

Қўрға нэтижасидан сўни 1992 йилги ёшлар ўртасидеги Европа чемпионатидаги саралаш мусобақасида ўзаро учрашадиган терма командалар маълум бўлди. Мамлакатимиз ёшлари учинчи гуруҳида Италия, Венгрия ва Норвегия командалари билан баҳс юритишди.

Москвада олти команда ўртасида халқаро мусобақа бошланди. АҚШ бўйлаб сафардан қайтиб келган МАСК клуби илк матчида Одесса армиячиларини 2:0 ҳисобиде енгди. Бошқа учрашулар қўйидаги нэтижаларни берди: «Стяуа» (Руминия) — «Витесс» (Голландия) — 0:6, Болгария — КХДР — 1:0.

ХОККЕЙ

Швециянинг Сандвикен шаҳрида ўсмирлар ўртасида тўпни хоккей бўйича ўтказилган жаҳон биринчилиги якунланди. Хал қилувчи матчида СССР ва Швеция терма командалари учрашдилар. Ўйиннинг асосий қисми дуранг (4:4) бўлди. Қондага қўра белгиланган қўшмча

вақтда ҳисоб ўзгармади. 12 метрлик жарима тўпларини мўлжалла оилишда омад совет хоккейчилари томониде бўлди — 4:2.

ШАШКА

Бир кўнлик дам олишдан сўнг А. Чиков ва Т. Сейбранс шашка тожи учун курашини давом эттирдилар. Олиндаги ташаббус жаҳон чемпиони қўлга ўтди. Ленин сўнги дақиқаларда бехато ўйнаган давлоғар Сейбранс партияни дуранг билан якунлашга ёршиди.

ТЕННИС

Япония пойтахтида ўтказилган йирик халқаро мусобақа нэтижасида етди. У ГФР вакили Ш. Графга таллаб келтирди. Бу моҳир теннисчи финалда испаниялик А. Санчесни мағлубиятга (6:1, 6:2) учратди.

СУЗИШ

Парижда жаҳон кубоғи мусобақасининг нэватдаги босқичи бўлиб ўтди. Унда айниқса ленинградлик Е. Волкова ўзини кўрсатиб, 100 ва 200 метрли масофаларга брасс усулида сузишда ҳурмат шоҳусупасининг юқори поғонасига қўтарилди.

ТО ҚИРСУ ҚАВАС ХИРМОНИ БАРБОД ЎЛМАС,
ТО КИБРУ ҚАВО ҚАСРИ БАРАФТОД ЎЛМАС—
ЭЛ ШОД ЎЛМАС, МАМЛАКАТ ОБОД ЎЛМАС!

Алишер НАВОИЙ.

ХАЗИНА ВА ХАЗИНАБОН

Алишер Навоийнинг улкан адабий-илмий мероси XV аср иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек китобат, ҳаттолик ва бадийи қўлёзма тарихида кескин бўрилиш эсали. Агар унгача ўзбек тилидаги манбалар китоблар томонидан жуда оз қўйрилган бўлса, ўша даврдан бошлаб фақат айрим китобларгина эмас, балки бутун-бутун ҳаттолик манбааларининг намоёндалари Навоий асарларини кўчириш билан машғул бўлдилар. XV асрдан XX аср бошларигача ўзбек тилида китобат этилган манбаларнинг қариб эллик фоизини мазкур қўлёзмалар ташкил қилди. Шунинг учун ўзбек китобат иши, ҳаттолик, бадийи қўлёзма ва миннаторе санъатининг сўнгги беш асрлик тараққийини — мактаблар, услублар, намоёндалар фаолиятларини ўрганишда улар етакчи, айрим ҳолларда ҳал қилувчи манба вазифасини ўташга қодир.

Беш аср давомида Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг турли ўлкаларида тарқалди. Ҳозирги вақтда фақат Совет Иттифоқининг Тошкент, Ленинград, Душанбе, Боку, Тбилиси, Ереван, Ашхобод, Фрунзе, Қозон, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Хива ва бошқа шаҳарларида қўлёзма фондларида улуғ шoirнинг минг йилдан орттиқ қўлёзма нусхаси мавжуд. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш зарури, баъзан бир йилд таркибига алломининг бир асари кирган бўлса, айрим ҳолларда у бир неча ёҳуд ундан орттиқ асарлардан таркиб топан.

Шу қўлёзмаларни ўрганиш асосида Навоий асарларини кўчирган уч юздан орттиқ котибнинг номи аниқланди. Бундан кейин топиладиган қўлёзмалар руҳхатини янада тўлдираведали. Қўлёзмани кўчирган ҳар бир котиб ўзининг маҳоратини,

билими ва услуби билан бир-бирдан фарқ қилади. Шу билан бирга Навоий мероси битилган ҳар бир қўлёзма муайян давр, мамлакат ёни ўлка китобат иши ва санъатининг маҳсули сифатида ҳам қадрланади. Чунки ўша қўлёзма китобининг яратилишида қозғос, сиеҳ, турли бўёқлар, муқова учун мағиз (картон), чарм ёки мато ва бошқа моддий ашёлар, жадваллаш, давлоҳ, музаҳҳиб, мусаввир, саҳоф каби ҳунарманд ва санъаткорларнинг меҳнати бир бутун ҳолда ўз ифодасини топан.

Алишер Навоий асарлари дастлаб Хиротда китобат қилинди. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошлариде уларни кўчирган олти ҳатто — Султонли Махшадий, Абдулжамил Котиб, Али ибн Нур, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон ва Дарвеш Муҳаммад Тоқийларнинг номи дастлабки қўлёзмалар орқали маълум. Бу ҳаттолардан айниқса Султонли Махшадий, Абдулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган қўлёзмалар асарларнинг биринчи нусхалари ҳисобланади.

XVI асрнинг биринчи ярмида ҳам Хиротда Навоий асарларини кўчириш анъанаси давом этди. Айни вақтда китобат қилиш чегараси кенгайиб кетди. Махшад, Шероз, Табриз, Бухоро, Самарқанд, Шоҳруҳия ҳаттолик мактабларида етишган бир неча котибларнинг бу иш билан шугулланганликлари маълум. Махшаддан Мир Имом ал-Хусайний Навоий асарларини гоёта нафис кўчирган. У терма девонлардан дастлабки нусхасини китобат қилган. Табризда Махшад ва Шерозга қараганда Навоий асарлари кўпроқ кўчирилган. Чалабий, Пир Муҳаммад ибн Шайх Тоҳир Табризий, Ҳожи Муҳаммад Табризий бу шаҳар ҳаттолик мактабнинг энг

машҳур намоёндаларидир. 1595-96 йилларда Назар Али Файзий Эрон Озарбайжонининг Қизилгоҳ шаҳрида кўчириб тугатган Навоий куллиятини ҳам Табриз ҳаттолик мактабининг давоми деса бўлади.

XVI асрда Бухорода ҳам улуғ шoir асарлари кўплай кўчирилди. Муҳаммад Али ал-Котиб ас-Султоний, ибн Абдулмоқим Абдулваҳҳоб ал-Хинзойи, Маҳмуд ибн Исҳоқ Шаҳобий кўчирган қўлёзмалар — алоқиде асарлар бўлиб туралар. Бу давр қўлёзмаларининг ўзинга хос хусусиятлари шундан иборатки, улар ҳат жиҳатдан ўта нафис ва бадийи беэақларга бойдир. Яна бир қимматини томони — асариятида асарларнинг мазмунига мос миннатореалар ишланган.

XVI аср ўрталаридан бошлаб Хиротдан узоқ ўлкаларда — Туркия, Миср ва Ҳиндистонда ҳам Навоий асарларининг нусхалари кўпайиб бошлади. Бу ишда кўп-роқ турли ижтимоий-сиёсий сабаблар билан ўша ўлкаларга бориб қолган ҳаттолар фаолият кўрсатдилар. XVII асрнинг охирилардан Шарқий Туркистонда Қошғар, Ўрта Осиёда Марв, Қоразм, Шаҳрисабз, Қўқон (ёки Фарғона), Тошкент ҳаттолик мактаблари таркиб топа бошладилар.

Қошғарда Азиз Кучек ибн Муҳаммад Адил, Мулло Ашур ибн Мулло Мир Темирий Мочиний ва бошқалар Навоий асарларини кўчиришда кўп меҳнат қилдилар. Бу ерда китобат қилишнинг энг юқори нуқтаси Абдурахмон ибн Муҳаммад Фозил Қошғарий томонидан 1824—1830 йилларда Навоий куллиятининг кўчирилишидир.

Навоий асарларини кўчирган дастлабки Хоразм ҳаттоллари XVII асрга мансуб. Дўст Муҳаммад Валади Эшмуҳаммад «Хамса»ни кўчирган. Хоразмлик

ҳаттолар орасида атоқли шoir ва олим Шермуҳаммад Муинининг номи алоҳида фахрли ўрин эгаллайди. Унинг Навоий асарларидан кўчирган учта дастхат-қўлёзмаси бизгача етиб келган.

XVIII аср охирилариде Бухоро ва Самарқанддан ажралиб чиққан Шаҳрисабз ҳаттолик мактаби ҳам Навоий асарларининг халқ орасида кенг ёйилишига салмоқли ҳисса қўшди. Хусусан Ермуҳаммад Қаро Шаҳрисобзий кўчирган қўлёзма китоблардан еттигиси сақланган. Улардан бештаси «Хамса», биттиси «Маҳбуб ул-қудуб» биттиси «Лисон ул-тайр»дир. Шу котиб кўчирган «Хамса» ва «Лисон ул-тайр»нинг бир нусхаси Қўбўлда Афғонистон миллий музейида сақланмоқда.

Қўқон ҳаттолик мактабиде Навоий асарларидан яратилган илк қўлёзмалар XVIII асрга мансубдир. Бу иш XIX аср биринчи ярмида жуда кенг тез олди. Тарихий маълумотларга қараганда, 1838 йилда Қўқон хони Муҳаммад Алихон Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний» асари олти ойда 300 алад (нусха)да бир хил таркиб ва бир хил ўлчовда (ҳажмда) кўчирилди, шерозали муқоваларга олинсин, ва вилоятларга тарқатилсин, деб фармон берган. Шу даврда яратилган «Хазойин ул-маъоний» қўлёзмаларида котиб томонидан ёзилган хотима ва тарихларга «ўшбу нусхада Амир Алишер Навоий девонларининг 300 алад кўчирилганларидан бири», деган қайдарларнинг тез-тез учраб туриши юқоридеги тарихий маълумотнинг тўла тасдиқлайди. Навоий асарларини кўчирган Қўқоннинг йирик ҳаттолларида Авазбери ибн Тилов Муҳаммад Бешарийи, Мулло Рўзи Котиб, Муҳаммад Шариф Дабир, Қаримжон ибн Раҳимжон, Сулаймонкул Роқий, Носиржон Ҳожи Қўқондий, Ашуралли Зоҳирларини кўрсатиш мумкин.

Тошкент ҳаттолик мактабиде Навоий асарларини кўчириш XVII асрдан бошланганлигини таъкидлаш мумкин. Тошкент ҳаттолик мактабиде Навоий асарларини кўчириш XVII асрдан бошланганлигини таъкидлаш мумкин.

кўчларни тарбиялаб етиштирмай, деб ёзганди.

«Ёш ленинчи» ўзининг биринчи сонидеко ана шу масъулиятли вазифани бажаришга гайрат билан киришди. Редакция коллективи Совет Иттифоқи Коммунисттик партияси ва Совет ҳукуматининг халқимиз фаровонлигини қўзғовчи ички ва тинчликсевар таъди сиёсатини кенг тарғиб этди, ўз қишқилари ўқувчилар қалбига етиб бориши учун хилма-хил шакллар, услуб ва усуллардан нэчил фойдаланди. Газета турли даврларда Чирчиқ электрияи, Тошкент тўқимачилик комбинатлари, йирик ирригация иншоотларини қуришга, қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш, комсомол зарбдор объектлариде фаол меҳнат қилишга, йигит ва қизларни ишга онгли равишда муносабатда бўлишга чақирувчи қўплай материаллар бериб борди.

«Ёш ленинчи» газетаси ҳаваскор қаламкашлар, журналистлар учун қатъи қарорли иш, ижод мактаби ҳисобланади. Бу мактабда бутун бир авлод ижодкорлар таълим олдилар, уларнинг қўпчилиги кейинчалик кўзга кўрилган, номдор адиб, шoir ва журналист бўлиб етишди. «Ёш ленинчи»да тобланган неча ўнлаб қаламкашлар ҳозирги вақтда республикамиз партия матбуотида ишламоқдалар. Олтой (Бонис Қориев), Қарим Гайбуллаев, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Холбек Едгоров, Тўлаған Соатов, Зиё Амминов, Санжар Тилла, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Фулом каби етук журналист ва ёзувчиларнинг илк асарлари ана шу газета саҳифаларида эълон қилинган. Ёш авлод ҳам ўз ўтмишларини аниқлашнинг давом эттириб, газетани янгда мазмунли, қизқарган қилиш, ҳозирги замоннинг юксак талабларини даражасига кўтариш учун бор имкониятини, истеъдоди ва куч-гайратини аямаяпти. Қарим Раҳимов, Муҳаммад Абдулмаситов, Зайниддин Рихсиев, Сафар Остонов, Ислом Усмонов, Фаррух Раҳимов, Қўрбон Эшматов, Амиркул Каримов каби билан ана шулар жуғалмас дандир.

«Ёш ленинчи» доҳий В. И. Лениннинг газета коллектив тарғиботи ва ташвиқотчигина эмас, айни пайтда коллектив ташкилотчи ҳамдир, деган қондасини амалга ошира бориб, ВЛКСМ ва Ўзбекистон комсомолни сўздалари қарорларини ёшларга етказиш ҳамда амалга ошириш соҳисиде қатта ишлар қилмоқда. Коллективимиз йирик иншоотларда,

лам соҳиблари ҳозирги вақтда республикамиз партия матбуотида ишламоқдалар. Олтой (Бонис Қориев), Қарим Гайбуллаев, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Холбек Едгоров, Тўлаған Соатов, Зиё Амминов, Санжар Тилла, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Фулом каби етук журналист ва ёзувчиларнинг илк асарлари ана шу газета саҳифаларида эълон қилинган. Ёш авлод ҳам ўз ўтмишларини аниқлашнинг давом эттириб, газетани янгда мазмунли, қизқарган қилиш, ҳозирги замоннинг юксак талабларини даражасига кўтариш учун бор имкониятини, истеъдоди ва куч-гайратини аямаяпти. Қарим Раҳимов, Муҳаммад Абдулмаситов, Зайниддин Рихсиев, Сафар Остонов, Ислом Усмонов, Фаррух Раҳимов, Қўрбон Эшматов, Амиркул Каримов каби билан ана шулар жуғалмас дандир.

«Ёш ленинчи» доҳий В. И. Лениннинг газета коллектив тарғиботи ва ташвиқотчигина эмас, айни пайтда коллектив ташкилотчи ҳамдир, деган қондасини амалга ошира бориб, ВЛКСМ ва Ўзбекистон комсомолни сўздалари қарорларини ёшларга етказиш ҳамда амалга ошириш соҳисиде қатта ишлар қилмоқда. Коллективимиз йирик иншоотларда,

колхоз ва совхозларда, қуришларда тез-тез учрашулар уюштирмоқда. Кейинги йилларда турли областларда «Ёш ленинчи» газетаси қунари ўтказиш Анжакане айланди. 1989 йилда Тошкент шаҳри, Қашқадеро, Самарқанд, Сурхондаро, Хоразм вилоятларида бўлиб ўтган ана шундай учрашуларда мушаррийларимиз ўз талаб ва истакларини баён этдилар. Буларнинг ҳаммаси редакцияимизнинг келгуси ишларини режалаштиришимизда ёрдам бермоқда. Бу йил га зетхонларимиз сағига яна юз мингдан орттиқ киши қўшилди.

Бутун мамлакатимизда, жуғалдан республикамизда кенг қўламда бошланиб кетган ҳамиятни демократиялаш, ошкоралик, покланиб жарёни редакция ишини қайта қуришни тақозо этди. Биз давр талаблари даражасиде бўлиш, комсомол-ўшларнинг дилдагисини тилига чиқариш, газетани эркин фикрлаш, ҳақиқатини сўзлаш минбарига ойланттириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилмоқдамиз. Янги очилган «Нукта назар», «Долзарб мавзу», «Улардан ибрат олинг», «Шахсий фикрим», «Тарихнинг ўқилган саҳифалари», «Бизни ўйлантираётган муаммолар» рубрикларини остида берилган «Улуғ дар», «Нотинч ўйлар шифо-

си», «Феолик тўғуси», «Тилга шифо керак», «Тарих ва келажак», «Давр, мафрур, шахс» каби мақоалларини газетачилар илк кутиб олишди. Нашрийимизнинг мазмунини яна эмс, балки шаклан ўзгартиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Унинг ёшларга хос жушқин, замонавий, жоэобдор ва шидаткор бўлишга интилавланим.

Улуғ Ленин васиятларига ҳеқиса содиқ «Ёш ленинчи» ўсиб келётган авлодини коммунистик руҳда тарбиялаш, янги жамият қуриш ишида партиянинг ишончли ёрдамчиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Олдиндаги Ленин партияси ва комсомолнинг нэватдаги олми аюнамларни турбиди. Газета бундан бун ҳам ишчи-деҳқон муқибларнинг кенг доирасига таяниб қайта қуришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, республика комсомол-ёшларини коммунистик қурилишнинг муҳим вазифаларини бажаришга сафарбар этгаведали.

Тургун НАЗАРОВ,
«Ёш ленинчи» газетасининг масъул котиби.

Муҳаррир
А. Ф. МУХТОРОВ.

«Ёш ленинчи» 65 ёшда
ҲАЁТДЕК ЖУШКИН

Алангали йилларда туғилган, жанговар кураш, галабалар йўлини босиб ўтган, республика билан дээрли тенгдош «Ёш ленинчи» газетаси кеча 65 ёшга тушди. Унинг саҳифаларида жушқин ҳаётимиз, ўптаракли комсомол-ёшларимизнинг улкан бунёдкорлик ишлари, орзу-